“ ” ” ”

“Тасдиқлайман”
Конимех туман касб-хунар мактаби директори в.в.б
_________ У.Рузиев
«____»_________ 2022 йил

**Конимех туман касб-ҳунар мактаби**

## ТЕХНИК ТОПШИРИК

| № | Асосий маълумотлар | Бажарувчи |
|---|---|---|
| 1 | Объект номи | Конимех туман касб-ҳунар мактабига ковровая дорожка (гилам дорожка) олиб бериш |
| 2 | Буюртмачи | Конимех туман касб-ҳунар мактаби |
| 3 | Буюртма учун асос | Харажатлар сметаси |
| 4 | Объектнинг жойлашган ўрни | Навоий вилояти Конимех тумани |
| 5 | Қатнашувчилар учун талаблар | Конимех туман касб-ҳунар мактабига рўйхатдаги гилам дорожкани олиб бериш Шунингдек танловда қатнашиш учун кўрсатилган маълумотларни аниқ ва сифатли жойлаштириш. Ташкилотнинг мазкур хизматни амалга оширишга рухсат берувчи ЛИЦЕНЗИЯ нусхаси (ташкилот мухри босилган ҳолда) |
| 6 | Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари | Давлат рўйҳатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома. Ушбу фаолият билан шуғулланишга рухсат берувчи хужжат. |
| 7 | Бажарилган ишлар хисоб-китоби | Белгиланган талаблар асосида энг яхши таклиф тақдим қилиниб шартнома ғазначилик бўлимидан ўтказилгандан сўнг олдиндан 30 фоиз тўлаб берилади. Шартномада кўрсатилган хизматлар тўлиқ амалга оширилгандан сўнг қолган 70 фоиз маблағ кучириб берилади, |
| 8 | Ишни бажариш муддати | Шартномада кўрсатилган муддат бўйича. |
| 9 | Техника хавфсизлиги бўйича талаблар | Иш бажариш жараёнида техника хавфсизлик қоидаларига тўла риоя килиш шарт. |
| 10 | Молиялаштириш манбаалари | Конимех туман касб-ҳунар мактаби 2022 йил харажатлар сметаси (ташаббусли бюджет) |

“Тасдиқлайман”
Конимех туман касб-хунар мактаби директори в.в.б
_________ У.Рузиев
«____» ___________ 2022 йил

## Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

**Конимех - 2022**

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар кисми

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА
# I. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмета: Конимех туман касб-ҳунар мактабига ковровая дорожка (гилам дорожка) сотиб олиш

1.2. Танловнинг юқори киймати - 11 100 000 (Ун бир миллион бир юз ) сўм. Ушбу кийматдан ортик кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва кўриб чикилмайди.

1.3. Махсулот буйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмида илова килинган.

Ушбу танлов якунлари буйича ғолиб чиққан бажарувчн ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4 Ишларни бажариш муддати: Ғолиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график буйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблаги ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Конимех туман касб-хунар мактаби (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон. Навоий вилоят Конимех тумани Наврўз МФЙ Аженияз кўчаси 58-уй Эл.адрес: gulshan258888@gmail.com

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Конимех туман касб-хунар мактаби “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

танлов предмети кийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган мехнат ресурслари ва мутахассислариинг мавжудлиги,

шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукий лаёкот ва ваколатлар;
танлов обьектига ўхшаш объктларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилгаи иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган хажми (50 фоиздан кам булмаган холда);

Низом маблағи микдори.

3.3 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боглик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра узбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов иштирокчиси:

-факат битта таклиф бериши мумкин;

- такдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тўлик жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга кадар ўз таклифларини кайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукукига эга.

## 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1 Харид комиссияси танлов учун таклифларни кабул килиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълукли холда эълон килинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши карори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш туғрисидаги карор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари туғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва туғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул куйилмайдн Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга хакли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачнсига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун- мохиятини узгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва бахолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан

эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чикиш ва бахолаш баённомаси эълон килинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тугрисида суров юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.